



## ЎЗБЕКИСТОНДА ПРАГМАЛИНГВИСТИКА ТАРАҚҚИЁТИ

*Мирсанов Ғайбулло,*

*СамДЧТИ катта илмий ходим изланувчиси*

**Калим сўзлар:** прагмалингвистика, нутқий акт, нутқий мулоқот, дискурс, мустақиллик.

Тил табиатини англаш ва тилнинг амалий қўлланилишини тушуниш прагмалингвистика, социолингвистика, когнитив лингвистика, психолингвистика, қиёсий типология каби йўналишлар билан боғлиқликда ўз самарасини бера бошлади. Бунинг натижасида прагматикада маъно ва мазмун жиҳатларини таҳлил этиш орқали амалий масалаларнинг ечимини топишга кенг эътибор қаратилмоқда. Нутқий мулоқотнинг прагматик хусусиятларини англашга нафақат тилшунослар ёки файласуфлар, балки ижтимоий соҳа мутахассислари, адабиётшунослар, психологлар ҳамда бошқа соҳа вакиллари ҳам мурожаат қилишаётганлиги прагматиканинг ҳар томонлама муҳим соҳа эканлигини кўрсатади.

“Прагматика” (юнонча *pragma* – иш- ҳаракат) аслида фалсафий тушунча бўлиб, у қадимги юнон файласуфлари даврларида ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштириш орқали кенг истеъмолга киритишди. Шу тариқа фалсафада прагматизм оқими юзага келди. Бу оқимнинг асосий тараққиёт даври ва унинг тарғиботи XX асрнинг 20-30 йилларида сезила бошлади ва у кейинчалик тилшуносликка ҳам сингишига сабаб бўлди. Ўша даврда Ч. Моррис прагматик назариясини семиотиканинг бир бўлаги сифатида семантика (белгиларнинг объектга нисбатан муносабати) ва синтактика (белгилараро муносабат) каби бўлимлар билан тенг ҳуқуқда ажратади. Фалсафий прагматизм оқимининг лингвистикада ўз аксини топишида америкалик олим Ч.Пирснинг ҳиссаси катта. Ушбу фалсафий тизимнинг асосий ғояси

семиотик белгининг (жумладан лисоний белгининг ҳам) маъно-мазмуни берилган белги воситасида бажарилаётган ҳаракатнинг самараси, натижалари, муваффақияти билан боғлиқ ҳолда ўрганишга қаратилади [4, 37-38].

Прагмалингвистиканинг жаҳон тилшунослигида кенг миқёсда ўрганила бошлаши ўтган асрнинг 60-80 йилларига бориб тақалади. Мазкур даврда Ж. Остин, Ж. Сёрль каби тилшунослар томонидан яратилган “нутқий акт” назарияси юзага келди. Нутқий мулоқотнинг энг кичик амалий кўриниши нутқий акт саналади. У, албатта, нутқ муомаласи қоидалари ва тартибига бўйсунадиган мақсадли нутқий ҳаракат сифатида тушунилади. Нутқ актларининг умумий жамланмаси нутқий фаолиятни ташкил этади. Мазкур назариянинг асосий тадқиқот объектига сўзловчи, адресат ва уларнинг ўзаро муносабати, мулоқот вазияти билан алоқадор қатор масалалар киради. Хусусан, тилга фалсафий ёндашувда тил нутқининг амалдаги кўриниши ва реаллик билан алоқадорлигини аниқлаш учун хизмат қилади. Нутқий акт назарияси нутқининг мақсадли ифодаси сифатида ўз ичига “буйруқ шакллари”, “тасвир”, “миннатдорчилик”, “табрик”, “савол бериш” ва шу каби нутқда қўлланиладиган тил ва мулоқот воситаларини олади ҳамда уларнинг тадқиқи билан шуғулланади. Жумладан, сўзловчи нутқий ифодасининг мақсади, нутқий тактика, референция, пресуппозиция тушунчаларига тегишли жиҳатлар кўриб чиқилса, адресат нутқида прелокутив таъсир, иллокутив мақсад, натижа (хабарнинг информативлигини ошириш, эмоционал ҳолатни ўзгартириш) кабилар ўрганилади. Мулоқот давомида



иштирокчилар муносабати нутқий мулоқотнинг шакллари (тортишув, баҳс, мунозара, суҳбат ва хоказо), нутқнинг ижтимоий этикет томонлари, мулоқот иштирокчиларининг нутқ актидаги (буйруқ, таклиф кабилар) муносабатлари тадқиқ этилади. Нутқий вазиятда дейктик белгиларнинг таҳлили, нутқ вазиятининг мавзуга алоқадорлиги, мулоқотнинг шакллари каби тушунчалар ўрганилади. Прагматик пресуппозиция ходисасида нутқий ҳаракатнинг самарадорлиги, мулоқот иштирокчиларининг ахборот мавзуси ва у ҳақидаги билими ҳамда коммуникатив фаолиятнинг ички ва ташқи шарт-шароитларининг когнитив идроки асосий ўринни эгаллайди [4, 120].

Прагматик маълумотларнинг энциклопедик таҳлили “фрейм”ларда (атама М.Минский томонидан таклиф этилган) ўз ифодасини топади [1, 389-390]. Унинг фикрича, фрейм воситасида матн мазмунини аниқ ёрита оладиган вазиятлар моделлаштирилади.

Ч.Пирс семиотика доирасида уч илмий соҳа - синтактика, семантика ва прагматикани мустақил йўналишлар сифатида ажратади. Унинг таърифича, синтактика “белгиларнинг ўзаро синтактик муносабатларини уларнинг объект ёки интерпретатор-тавсифловчига бўлган муносабатларидан ажратган ҳолда ўрганишдир”, семантика эса “белгиларнинг ўз десигнатлари, яъни улар воситасида ифодаланган объектга бўлган муносабатини” таҳлил қилади ва ниҳоят, прагматика “белгининг ундан фойдаланувчи-интерпретаторга нисбатан муносабатини ёритувчи фандир” [4, 40].

Прагмалингвистика, шунингдек, тил бирликларининг коммуникатив-прагматик шароитда қўлланилишини ҳам ўрганади. Прагмалингвистика тилшунослик доирасида ҳамда прагматика атамаси билан семиотика соҳасида тил “белги”ларининг нутқда ва амалиётда қўлланилишини ўрганадиган сатҳ сифатида қаралиши борасида юқорида тўхталган эдик. Прагмалингвистика

лингвомаданият, когнитив тилшунослик, матн тилшунослиги, қиёсий тилшунослик, социоллингвистика, психоллингвистика каби қатор йўналишлар билан боғлиқ, ёки бевосита муносабатга киришади. Шунинг учун ҳам прагмалингвистика тадқиқот предметининг кенг миқёсда тасаввур этилиши ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этиши мумкинлигини намоён этади. Натижада, “прагмалингвистиканинг нутқий акт назарияси, прагмасемантика, прагмастистика каби ўз “ички” соҳалари юзага келди” [4, 70].

Прагматик назария, ўз навбатида, коммуникатив мулоқотни рационал ва сабабли жараён сифатида таҳлил этади, ҳамда фақатгина лингвистик структуралар билангина чекланиб қолмасдан, дунёвий билим, маданий нормалар, контекстнинг специфик компонентларининг индивидуал ёндашувли таҳлилларига ҳам ўз эътиборини қаратади.

Прагматик лингвистикада муҳим ўрин тутадиган ва кенг ўрганиладиган тушунчалардан бири, бу дискурс тушунчаси ҳисобланади. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланилган ва келишилган маҳсул сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ходиса сифатида ишлатилмоқда. Дискурс атамаси қўлланилганда бирор-бир информация ёки мазмун ифодасини етказиш назарда тутилади. Информация атамасида эса умумий маънода ахборот етказиш маъноси тушунилади [5, 32]. Дискурс атамаси субъектив, ижтимоий-маданий, шунингдек, стереотип, преседент (намунали) фикрлар, монолог ва диалог кўринишидаги нутқий фаолият жараёнини ифодаловчи тушунчаларни қамраб олади. Амалда дискурс - бу матннинг шаклланиш усулидир. Дискурс илмий атама сифатида синтактик, семантик ва прагматик хусусиятга эга. У синтактик жиҳатдан



ифода плани, яъни структурасига, семантик жиҳатдан мазмун-маъно планига, прагматик жиҳатдан эса перлокуция-хабар планига кўра турли фикрлар, нутқий актлардан ташкил топган фаолият сифатида тавсифланади. Ч. Пирсинг келтиришича, “Дискурс” - бу тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланиши, уларнинг изчил боғланишидир [3, 13]. Шунга кўра, “матн-натижа” тузилиши ва функционал “дискурс-жараён сифатида” кўриниши ўзаро мувофиқ келади. Матнда дискурс тил бирлиги сифатида универсал ва специфик хусусиятлар билан характерланади. Дискурснинг универсал хусусиятларига бир бутунлик ва боғлиқлик киради [4, 22]. Шунинг учун ҳам дискурс тил бирликларининг маълум вақтда ва маълум жойда маълум мақсад билан қўлланиши ва уларнинг ўзаро изчил боғланишини назарда тутадиган сатҳ сифатида умумийлик ва боғланганлик каби хусусиятларга эга.

Тилни прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган ишларда дискурс атамаси қуйидаги маъноларда қўлланган: 1. Сўз муқобили; 2. Тил бирликлари танлови; 3. Нутқ вазияти ҳисобга олинган ҳолда фикрнинг адресатга таъсири; 4. Сухбат; 5. Нутқда сўзловчи позицияси; 6. Лингвистик бирликлардан фойдаланиш; 7. Матн ҳосил бўлиш шартларини тадқиқ этишга мўлжалланган назарий қурилма.

Ж.Лайонз бир томондан матн-гап ва тизим-гап, гап-тил ва гап-белги ҳамда иккинчи томондан нутқий бирликлар бўлган нутқий акт ва нутқий ҳосила, нутқий белги ва тил ҳодисаларини фарқлашни таклиф этади. Бу эса, ўз навбатида, гап маъносини семантиканинг объекти ва нутқий бирлик маъносини прагматика объекти сифатида ўрганишига сабаб бўлади. Ш.Сафаров прагматик назария-сўзловчи ва тингловчиларнинг гап белгисининг матнга пропозиция билан мос келиши деб изоҳлайди [4]. Демак, матндаги маълумот маълум даражада

тугал, давомли ва шу каби хусусиятларда намоён бўлади. Муаллиф таъкидлашича, “Воқеликда кечаётган ҳодисалар баёнида ва улар ҳақида ахборот узатишда унинг кечиш даври, пайтини кўрсатиш муҳимдир. Бундай кўрсатиш вазифасини замон (вақт) дейксиси воситалари бажаради” [4, 174].

Таъкидлаб ўтилган омиллар прагмалингвистика тадқиқот предметининг кенг миқёсда тасаввур этилиши билан алоқадор бўлиб, ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этганлигини кўрсатиб берди. Натижада, прагмалингвистиканинг қатор қўлланишлар маҳсули сифатида лингвистик бирликларнинг аниқ ва “воқеий мулоқот шароитида қўлланиши прагматик таҳлил объекти” [4, 108] бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса жаҳон тилшунослигида, хусусан ўзбек тадқиқотчиларининг ҳам ушбу йўналишга қизиқиши ортиб бораётганлигини кўрсатувчи далиллар етарлича мавжуд.

Прагматик тилшунослик соҳасининг кенг тараққий этиши ва ривожланишида Америка ва Европа тилшунослигида Ch.Morris, V.Evans, R.Bach, G.Antons, T.A.van Dijk, W.Dressler, H.P.Grice, Z.Harris, G.N.Leech, W.North, J.R.Searle, J.Ostin, D.Walton, G.Yule, G.Lakoff, Ch.Piers, R.Horn, G.Ward, S.C.Levinson, B.Birner, A.Kehler, H.H.Clark, A.E.Goldberg, E.C.Traughott, G.Fauconnier, J.Cutting, R.Jackendoff, Smith Carlota, G.Lyons, A.Wierzbiska ва бошқалар, рус тилшунослигида эса Ю.Степанов, Т.Булыгина, Н.Артюнова, В.Демьянков, В.Григорьева, Т.В.Анисимова, С.А.Аристов, В.В.Богданов, Г.В.Колшанский, М.Л.Макаров, Г.Г.Почепцов, Г.Г.Слышкин, А.А.Сусов, И.П.Сусов, С.А.Сухих, В.Е.Чернявская кабилар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Тилшуносликнинг мазкур соҳасини Ўзбекистонда тараққий этиши ва ривожланишига олимларимиздан Ш.С.Сафаров, С.Раҳимов, Д.Ашурова, Н.Маҳмудов, А.Мамажонов, А.Нўрмонов,



Б.Йўлдошев, Х.Неъматов, А.Бушуй, М.Ҳақимов, С.Мўминов, А.Маматов, Ж.Ёқубов, С.Боймирзаева, Л.Раупова ва бошқа тилшуносларнинг хизмати улкан.

Таъкидланганидек, прагмалингвистиканинг семиотика соҳасига кириб бориши ўтган асрнинг 80-90-йилларида содир бўлди. Ўша йиллар давомида Ғарб, Америка ва рус тилшуносликларида кенг миқёсдаги тадқиқий ишлар амалга оширила бошланди. Мазкур жараён Ўзбекистондаги тилшунослик соҳаси тадқиқотларига қизиқувчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Хусусан, Н.Махмудов, А.Нўрмонов, Д.Ашурова, С.Раҳимов<sup>17</sup> каби олимлар ўзларининг қатор илмий мақолалари орқали прагмалингвистиканинг нутқий ифодасига оид сатҳларни ўзбек тилшунослигига олиб кирдилар.

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан сўнг собиқ тузумдаги фанга бўлган бирёқлама идеологик ёндашувлар барҳам топди. Иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалар сингари илму фанга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Собиқ тузум даврида ўша системада яшаган халқлар онгига сингдирилишига ҳаракат қилинган материалистик қарашлар нисбий тушунча эканлиги исботланди. Бунинг натижасида илмий тадқиқотларга бирёқлама қарашлар ўрнини ҳар томонлама, турли факторларни эътиборга оладиган пишиқ, мулоҳазага ундайдиган ишларни амалга ошириш имкони яратилди. Хусусан, гуманитар фанларда мазкур ўзгаришларни кенгроқ кузатиш мумкин. Жумладан, тарихга бўлган муносабат умуман ўзгача кўринишга эга эди. Иттифоқдаги бошқа

халқларнинг тарихи қарийб ўрганилмас, ўрганилган тақдирда ҳам салбий муносабат кўзга ташланар эди. Адабиёт соҳасида эса образларнинг салбий ва ижобий хусусиятларга ажратилиши, инсон табиатига, психологиясига тегишли омилларни чеклаган ҳолда таҳлил этиш кенг ривожланган эди. Албатта, бу каби камчиликлар тилшуносликка оид тадқиқотларда ҳам ўз аксини топар эди. Айниқса, тил тадқиқотларида тилнинг инсон руҳияти, когнициясига оид омиллар эътиборга олинмас, ғарб тилшунослигида амалга оширилган баъзи тадқиқотлар (хусусан, когнитив тилшуносликка оид материаллар) тан олинишига цензура таъсирида имкон берилмас эди. Айнан мустақиллик туфайлигина ўзбек тили тадқиқотига қизиқувчилар жаҳон тилшунослигидаги янгиликлардан бевосита хабардор бўла бошладилар, ҳамда шу асосда ўз ишларини амалга ошира бошладилар. Бунинг натижасида жаҳон тилшунослигида тадқиқ этилаётган когнитив тилшунослик, психоллингвистика, этнолингвистика, прагмалингвистика, лингвомаданият каби янги тилшунослик йўналишларига бўлган қизиқиш ортди ҳамда тадқиқий ишлар амалга оширила бошланди. Тилшунослик соҳаларига оид қатор мактаблар вужудга келди.

Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослигида эришилган ютуқлар сифатида А. Нўрмонов шакл ва мазмун муносабатини тадқиқ қилиш жараёнида шакл ва мазмун бирликлари ўртасидаги мутаносиблик (симметрия) ва номуносабатлик (ассимметрия), тағбилим, тағмаёно, мазмуний синкретизм, синтактик трансформация, синтактик омонимия ва синонимия, коммуникатив бўлиниш ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга бўлган қизиқиш ортганлигини [2, 221] таъкидлаб ўтади.

Прагмалингвистиканинг Ўзбекистонда таракқий этишини Республикаимизнинг мустақиллик ёши билан таққослаш мумкин. Жумладан,

<sup>17</sup>Нўрмонов А. Кўмакчи конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. № 6. -Б 42-45, Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. -Б 28-31, Ашурова Д. Коммуникативно-прагматический анализ производных слов. Исследование языковых единиц в функциональном аспекте. Сб. Нучн. тр. Ташкент, 1989. -С. 108-116, Рахимов С. Дейктические маркеры локальности в современном узбекском языке // Советская тюркология, 1986. №2. -С. 56-59.



Ўзбекистонда прагмалингвистикага оид докторлик диссертацияларининг бажарилиши, айнан 90-йилларнинг бошига бориб тақалади. Хусусан, 1991 йилда Ш.Сафаров (Этносоциопрагматика речевого сообщения. Автореф. дисс... док. филол. наук. 1991) ва С. Раҳимовларнинг (Проблема дейксиса как категории типологической лингвистики: Автореф. дисс... док. филол. наук. –М., 1990. – 46 с.) докторлик диссертацияларининг ҳимоя қилиниши, Ўзбекистонда прагмалингвистиканинг тараккий этишига қўйилган тамал тоши бўлди, десак муболаға бўлмайди. Айнан ўша йили Ш. Сафаровнинг “Система речевого общения” номли монографияси чоп этилди. Мазкур монографияда нутқий мулоқотнинг прагматик, ижтимоий хусусиятлари ҳақидаги турли тиллар тизимидаги маълумотлар ўрин эгаллаган бўлиб, лингвистиканинг прагматик ва ижтимоий жиҳатларини очиб берган ушбу рисола нафақат Ўзбекистондаги дастлабки иш, балки Ҳамдўстлик мамлакатлари доирасида ёзилган дастлабки илмий нашрлар қаторига киради. 1993 йилда ҳимоя қилинган Д.У. Ашурованинг “Стилистические и прагматические аспекты словообразования английского языка” мавзусидаги докторлик диссертациясида сўз ясалиши сатҳида тил бирликларининг стилистик ҳамда прагматик таҳлили ўрин олган эди. Диссертацияда инглиз тилидаги ясама сўзларнинг (производные слова) мазмунан семантик-стилистик, коммуникатив белгилари аниқланади. Шунингдек, диссертацияда бадиий матннинг онтологик хусусиятлари этиборга олинган ҳолда, “диққат”, “қизиқиш ҳосил қилиш”, “эмоционал таъсир” каби прагматик жиҳатлар ўрганилади. Шу билан бирга, 90-йилларнинг бошларида ўзбекистонлик тилшунос олимлар томонидан қатор илмий мақолалар ҳам чоп этилди. Келтириб ўтилган далиллар прагмалингвистикани Ўзбекистонда кенг илдиз отганлигини айтиш имконини беради. Бунга мисол

тариқасида профессор Ш.Сафаровнинг “Прагмалингвистика” (2008) монографиясини келтириш мумкин. Мазкур монографик иш прагмалингвистикага оид бўлган этнопрагматика, социопрагматика, қиёсий прагматика, нутқий акт, нутқий мулоқотда дейксис таркибига оид тушунчаларни қамраб олган тадқиқий иш сифатида тилшунослик соҳасига қизиқувчи барча учун дастурил амал бўлди. Бундан ташқари, олим қатор илмий мақолалари билан Республикамизда чоп этиладиган илмий журналларда, илмий конференциялардаги чиқишлари билан прагмалингвистик соҳани янада кенгроқ ёйилишини таъминлади. Олимнинг 2013 йилда чоп этилган “Семантика” монографияси маънонинг референт назарияси, маъно ва тушунча, маъно шаклланишининг дискурсив-синергетик тавсифи, когнитив концептуал жиҳатларини ёритган назарий билимларни қамраб олган асар сифатида прагматиканинг семантик муносабатлари тўғрисидаги кенг маълумотларни ҳам тақдим этди. Устознинг 2015 йилда нашр этилган яна бир “Тил назарияси ва лингвометодология” асари тил назарияси ва замонавий тилшуносликнинг методологик тамойилларини ёритиб беради. Монографияда лингвистик тадқиқотларнинг назарий ва методологик асослари белгилаб берилган. Асарда лингвистик ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари чамбарчас боғлиқ эканлиги борасидаги ғоялар илгари сурилади, назарий методологик асослари белгилаб берилди.

Прагматик лингвистикага тегишли дискурс тушунчасининг тадқиқига Л.Р. Раупова томонидан амалга оширилган “Диологик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи” мавзусидаги докторлик диссертацияси мисол бўла олади. Ўзбек тилидаги диологик дискурсни полипредикатив бирликларда ифодаланиш тадқиқи мазкур диссертациянинг моҳияти бўлиб, унда





миллий-маданий, ижтимоий, ментал ходисаларнинг вербал ифодаси ўз аксини топган. Л. Раупованинг 2010 йилда нашр қилинган “Диологик нутқнинг дискурсив талқини” монографияси диологик нутқда ифода планига кўчадиган мазмун ва шаклларни дискурс сифатида намоён этилишини соҳага қизиқувчиларга тақдим сифатида қабул қилиш мумкин.

М. Ҳакимов томонидан 1994 йилда ҳимоя қилинган “Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари” номзодлик диссертацияси ўзбек тилига оид прагмалингвистика соҳасига тегишли дастлабки тадқиқотлар қаторига киради. Мазкур иш ўзбек тилидаги илмий матнларни мазмунан ва шаклан ифодаланишида прагматик омилларни ёритишга қаратилган иш ҳисобланади.

Санаб ўтилган илмий тадқиқотлар, бажарилган ишларнинг натижаси ўлароқ, кейинчалик Республикамизда прагмалингвистика соҳасининг нутқий мулоқот, матн шаклланиши, прагматик белгилар шаклланиши, дискурс хусусиятлари, нутқий фаолият турларига тааллуқли қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Жумладан, Ж.Сафаровнинг “Структура дипломатического дискурса и его лексико-фразеологический состав” номли номзодлик диссертациясида инглиз тилидаги турли жанрдаги дипломатик матнларнинг прагмалингвистик ва ижтимоий лингвистик хусусиятлари таҳлил этилади.

Соҳага оид кенг қамровли ишларни олиб бораётган олималардан бири С. Боймирзаева саналади. Унинг 2010 йилда ҳимоя қилган “Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар” номли докторлик диссертациясида ўзбек тили матнини ташкил қилувчи семиотик бирликларни категориал белгилари аниқланган, матн мазмунининг когнитив-дискурсив тавсифи, коммуникатив-прагматик шаклланиши, модаллик майдонининг фрейм воситаларини

ёритишга қаратилган эди. Ишда ўзбек тили матнининг коммуникатив прагматик мазмунини аниқлашда когнитив амаллардан фойдаланилган. Олиманинг 2009 йилда нашр этилган “Матн мазмунида темпораллик семантикаси” рисоласида матннинг темпорал таркибига эътибор қаратилган ҳолда, мулоқот жараёнида ва бадий матнда замон ифодасининг шаклий кўринишларидан ташқари мазмуний ифода белгилари ёритилган. Муаллифнинг таъкидлаб ўтишича, ўзбек тили замон шакллари бадий матннинг коммуникатив мазмунини ва таркибини аниқлашда темпорал семантиканинг берилиши муҳим аҳамият касб этади. Албатта, мазкур рисоланинг чоп этилиши тилнинг нутқий ифодасига матннинг прагматик жиҳатлари тилшуносликнинг ушбу соҳасига қизиқувчиларни бефарқ қолдирган эмас. С. Боймирзаеванинг 2010 йилдаги монографияси ўзбек тили матнида модаллик хусусиятларини ёритган иш сифатида рефрентив модаллик, субъектив модаллик, аксиологик каби турлари таҳлил этилган.

Прагмалингвистика тадқиқотлари маълум хорижий тилларнинг матнида фаоллашадиган дейктик кўрсаткичларнинг таҳлиliga оид тадқиқотлар ҳам Ўзбекистонда кенг миқёсда давом этмоқда. Бу борада, шу давргача қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди: жумладан, Д. Киселёв 2012 йилда “Реализация глагольной анафоры в тексте” номли номзодлик диссертацияси, А. Шерматов “Инглиз техник матнларида дейксиснинг ифодаланиши” мавзусидаги номзодлик диссертацияларининг ҳимоя қилиниши ҳам прагмалингвистиканинг Ўзбекистонда кенг миқёсда ўрганилишига мисол бўлади. Бугунги кунда ҳам Республикамизнинг турли Олий ўқув юртларида прагмалингвистиканинг нутқий мулоқот турлари, матн прагматикаси, нутқий муносабат каби йўналишларида бир қанча докторлик диссертациялари устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



Бевосита, прагмалингвистикага оид маълумотларнинг амалий, яъни дарслик ва ўқув қўлланма сифатида ёш авлодга етказиш учун яратилган бир қанча ишларни келтириб ўтиш мумкин. Д. Ашуровнинг 2014 йилда чоп эттирган инглиз тилида ёзилган “Text Linguistics” ўқув қўлланмаси инглиз филологияси магистрантлари учун мўлжалланган бўлиб, унинг катта қисми айнан матн прагматикасини қамраб олган. Унда матн прагматикасига оид таъриф, тавсиф, тушунтиришлардан ташқари амалий машғулотлар учун машқ ва саволлар билан мустақамланган. Шу каби иш Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти А.Кўчибоевнинг француз филологияси магистрантларига мўлжалланган “Матн лингвистикаси” ўқув қўлланмасини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Прагмалингвистиканинг бевосита ўзбек тили миқёсида ўрганилишига ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришилди. Бу борада М. Ҳакимовнинг “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” монографияси яққол мисол бўла олади. Ушбу рисолаи Ўзбекистонда прагмалингвистика сатҳларини кенгроқ ёритган ва оммалашувига ҳисса қўшган асарлардан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур рисолада прагмалингвистиканинг умумназарий асослари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари ўзбек тилида лисоний “белги”нинг семантик, синтактик, социал, концептуал хусусиятлари очиб берилган. Шу билан бир қаторда ўзбек тилида нутқий ифода, нутқий акт асослари, матннинг прагматик ва семантик таркибини аниқлашга қаратилган қатор маълумотлар ўрин эгаллаган. Муаллиф ўзбек тилида матнни система сифатида тадқиқ этишда прагматиканинг назарий ва амалий, умумий ва хусусий йўналишларини ажратиш, ҳамда прагматиканинг тил сатҳига эътибор қаратилиши муҳим деган хулосага келиш баробарида, ўзбек тили нутқ маданияти, халқнинг ички лисоний руҳияти, ижтимоий фаолияти каби жиҳатларни

эътибордан четда қолдирмаслик муҳимлигини айтиб ўтади.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистикага оид ишлар борасида гап кетганда С. Мўминов томонидан бажарилган ишлар ўзига хос аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Унинг 2000 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” деб номланиб, унда нутқий мулоқотнинг ўзбек маданиятига хос хусусиятлари, прагматик асослари, ижтимоий фаолиятдаги лисоний жиҳатлари ёритилган. Бундан ташқари, С.Мўминов ўзбек тилининг нутқий фаолияти ва уларнинг лисоний шаклланишида прагматик хусусиятларни очиб берувчи қатор рисолаларини<sup>18</sup> чоп этди.

Кўриниб турибдики, прагмалингвистика соҳасининг қарийб барча соҳалари, йўналишлари ўзбек тилшунослари томонидан кенг ўрганилмоқда ва ушбу жараён ўзбек тилшунослигининг жаҳон тилшунослиги билан ҳамнафас эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 25 йиллик тўйини нишонламоқда. Мазкур давр мобайнида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий, соғломлаштириш каби барча соҳаларда улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Албатта, бу каби ютуқларга эришишнинг ортида нафақат меҳнат, шижоат, ижодкорлик, балки ҳукуматимиз, хусусан Республикаимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов олиб борган оқилона сиёсати турибди. Жумладан, Ўзбекистонда тилшунослик соҳасида эришилган ютуқлардан бири деб, шубҳасиз жаҳон тилшунослигида кенг тадқиқ этилаётган прагмалингвистиканинг Республикаимиздаги тараққиётини келтириш мумкин.

<sup>18</sup>Мўминов С. Маънавий кадрлар: Муомала сирлари. - Тошкент. Ўзбекистон, 1994. -50 б., Мўминов С. Сўзлашиш саянати. Илмий-оммабоп нашр. -Фарғона, 1997. 101 б.



**Адабиётлар:**

1. Лингвистический Энциклопедический Словарь. –Москва, СЭ. 1990. – 687 с.
2. Нўрмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. - 232 б.
3. Пирс Ч.П. Начала прагматизма / Перевод с английского, предисловие В.В. Кирющенко, М.В. Колопотина — СПб.: Лаборатория метафизических исследований философского факультета СПбГУ; Алетейя, 2000. —352 с
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Тошкент, 2000. -300 б.
5. Сусов И.П. Введение в языкознание: учебник для студентов лингвистических и филологических специальностей / И.П. Сусов. – М.: АСТ: Восток–Запад, 2007. – 379 с.

*Мирсанов Г. Развитие прагмалингвистики в Узбекистане. Статья содержит сведения о развитии прагмалингвистики в Узбекистане и работы ученых в данном направлении, а так же общую информацию о прагмалингвистике.*

*Mirsanov G. Development of pragmalinguistics in Uzbekistan. The article contains information about the development of pragmatic linguistics in Uzbekistan and the works devoted to the developing pragmatics in the Republic and also general information on pragmalinguistics.*

---

---